

202016

# ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

ЖХД ЙХХХ бошлиғи

уринбосари, талов комиссияси

раиси



*Э.Х.Бозоров*

Э.Х.Бозоров

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ эҳтиёжлари учун асосий  
воситалари харид қилиш бўйича энг яхши таклифларни

ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Тошкент-2022 йил

## МУНДАРИЖА

- I. ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА.
- II. ТЕХНИК ТОПШИРИҚ.
- III. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ НАРХГА ОИД ҚИСМИ.
- IV. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ.
- V. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ИЛОВАЛАР.

**I. ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

## 1. Энг яхши таклифларни танлаш (Танлаш) предмети.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ ходимлари иш самарадорлигини ошириш учун махсу компьютер курилмалари ва техника воситалари билан таъминлаш мақсадида компьютер курилмалари ва техникалар харид қилиш матн давомида (етказиб бериш-дейтлади) бўйича энг яхши таклифларни саралаш.

Буюртмачи — ИИВ ЖХД ЙХХХ (матн давомида Буюртмачи деб юритилади).

Танлашнинг чегараланган қиймати — 43 500 000 (Қирқ уч миллион беш юз минг) сўм.

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартларига кўра ғолибларни танлаш, иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида Танлаш харид комиссияси (матн давомида Комиссия деб юритилади) томонидан аниқланади. Танлаш комиссиясига фақат тошкент шаҳрида рўйхатдан ва манзили тошкент шаҳрида бўлган иштирокчилар қатнаша олади. Комиссия таркиби Буюртмачи томонидан шакллантирилади.

### 2. Танлаш доирасида тақдим этиладиган ҳар қандай ҳужжатларнинг (маълумотларнинг) махфийлиги.

2.1. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар, танлаш ўтказиш вақтида ҳам, у тугагандан сўнг ҳам, баҳолаш тартиботига расмий равишда алоқадор бўлмаган шахсларга хабар қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Махфий маълумотларни ошкор қилганлик учун Комиссияси аъзолари, ишчи гуруҳлар ва ёки мутахассислар гуруҳи жавобгар бўлади (Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддаси).

### 3. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари юзасидан тушунтириш бериш.

3.1. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (матн давоми — Танлаш ҳужжатлари) юзасидан сўров юбориш учун иштирокчилар давлат буюртмачисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат юбориши мумкин:

ИИВ ЖХД ЙХХХ бош бошқармаси.

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 71

Тел: +998 71 267-63-48.

Масъуллар: И.И.Маликов.

3.2. Танлаш ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар бериш бўйича сўров, танлаш иштирокчиси томонидан танлаш таклифларини бериш муддати тугашидан камида икки кун олдин ёзма равишда сўралиши мумкин. Давлат буюртмачиси кўрсатилган сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни ичида тушунтириш жавобини юбориши шарт.

4. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш

4.1. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Буюртмачи ва Комиссия танлаш натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.2. Танлаш иштирокчиларининг таклифлари унга боғлиқ ҳужжатлар ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасидаги барча ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши лозим.

4.3. Танлаш иштирокчилари ўз таклифларини электрон шаклда Давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари тизимига (матн давомида — Тизим) жойлаштирилган эълон муддати тугагунга қадар тақдим этишлари мумкин.

4.4. Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли. Иштирокчининг таклифига танлаш предмети ҳисобланган барча товарлар киритилиши лозим.

5. Танлаш таклифига кирадиган ҳужжатлар

5.1. Танлаш таклифи қуйидагилардан иборат бўлади:

малакавий саралаш ҳужжатлари (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади); техник таклиф (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади);

нарх таклифи (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади).

6. Малакавий саралаш

6.1. Малакавий саралаш учун қўйилган талаблар:

-танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва тажрибаси ҳақида маълумотнома (маълумотнома шакли 1-сонли иловада келтирилган);

-танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида қафолат хати (қафолат хати шакли 2-сонли иловада келтирилган);

-танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома;

-иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (эркин шаклда).

-танлаш иштирокчиси томонидан техник таснифларга мос товар (иш/хизмат)ни етказиб бериш муддати кўрсатилган бўлиши шарт етказиб бериш муддатини кўрсатмаган танлаш иштирокчисини танлашда иштрок этиш учун берган таклифлари ўз кучини йўқотади.

#### 7. Техник таклиф

7.1. Иштирокчи техник таклифжадвалининг асл нусхасини, ушбу йўриқномага илова қилинган 3-сонли иловага мувофиқ расмийлаштириб конверт орқали белгиланган шаклда муҳрланган ҳолда тақдим этиши лозим.

7.2. Техник таклиф танлаш ҳужжатининг техник топшириқ қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Белгиланган талабларга нисбатан устун таклифлар билан хизматларни етказиб бериш бўйича таклифларга йўл қўйилади. Бунда устун таклифларни мувофиқлиги ва таклифларни қабул қилиш бўйича қарорлар Комиссия томонидан қабул қилинади.

7.3. II-бўлим, техник топшириқда келтирилган нормалар ва техник топшириқларга мос келмаган таклифлар дисквалификасия қилинади.

7.4. Танлаш иштирокчиси танлаш предмети бўлган Товарлардан техник баҳолаш учун бир бирликда намуна тақдим этиши лозим. Товар намуналари қуйидаги манзилга тақдим этилади:

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 71 тақдим этмаган танлаш иштирокчилари танлашдан четлаштирилади.

7.5. Танлаш иштирокчиси Бюртмачи томонидан қўйилган товарларни нечи кун давомида етказиб беришини қатий равишда кўрсатиши шарт. Етказиб бериш кунини кўрсатмаган танлаш иштирокчилари танлашдан четлаштирилади.

#### 8. Нарх таклифи.

8.1. Иштирокчи нарх таклифини конверда хат орқали тақдим этиши лозим.

8.2. Иштирокчининг нарх таклифи барча харажатларини (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, етказиб бериш, ўрнатиш ва бошқаларни) ўз ичига олиши шарт.

#### 9. Танлаш таклифининг амал қилиш муддати

9.1. Танлаш иштирокчисининг таклифлари, танлаш таклифларини қабул қилиш тугайдиган кун сифатида белгиланган санадан бошлаб камида бир ой мобайнида кучда қолиши лозим.

9.2. Айрим ҳолларда комиссия танлаш иштирокчисини таклифини амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бундай илтимос ва унга жавоб хат кўринишида расмийлаштиради.

#### 10. Танлаш таклифларини баҳолаш тартиби

10.1. Танлаш ўтказиш тўғрисида эълон муддати тугагандан сўнг танлаш таклифларини баҳолаш учун Комиссия танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганади ва баҳолайди.

10.2. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати тижорат таклифлари қабул қилиш сўнги куни тугагандан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

10.3. Иштирокчилар томонидан тақдим этилган электрон таклифда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, Комиссия ушбу таклифни рад этиш ҳуқуқига эга.

10.4. Комиссия танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонларга кўра баҳолайди.

10.5. Агар танлаш иштирокчиси томонидан такдим этилган ҳужжатларда сохта маълумотлар аниқланса, Комиссия ушбу иштирокчини танлашдан четлаштиради.

10.6. Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонларга асосан амалга оширилади (4-илова).

10.7. Иштирокчининг такдим этган таклифи танлаш ҳужжатлари белгиланган талабларига жавоб бермаса, Комиссия таклифни рад этади.

10.8. Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Комиссия танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу жараён белгиланган тартибда расмий ёзма равишда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятига, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

10.9. Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган (энг кўп балл олган) танлаш иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

10.10. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

10.11. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси Комиссиянинг барча аъзолари томонидан электрон шаклда имзоланади.

10.12. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг, танловнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларига ойдинлик киритиш тўғрисида сўров юбориш ҳуқуқига эга. Буюртмачи бундай сўровни Олган кундан бошлаб уч кун иш куни мобайнида иштирокчига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

11. Иштирокчиларни малакавий саралашдан ўтказиш тартиби

11.1. Танлашда иштирок этиш учун малакавий саралаш ўтказилганда танлашнинг қуйидаги иштирокчилари қўйилмайди:

белгиланган муддатда малакавий саралаш учун барча зарур ҳужжатларни такдим қилмаган; шартнома тузишга ваколатли бўлмаган; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бў Иган; қайта ташкил қилиш ёки банкротлик босқичида бўлган; тугатиш босқичида бўлган; давлат буюртмачиси билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бў Иган; инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реэстрида бўлган; давлат буюртмачиси билан аввал тузилган шартномалар бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни тегишлича бажармаган; муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.

11.2. Инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реэстрида бўлган танлаш иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот порталига мурожаат қилади.

11.3. Малакавий саралашдаш ўтказиш ёки ўтказишдан рад этиш тўғрисидаги қарор Комиссия аъзолари томонидан қабул қилинида.

12. Шартнома имзолаш

12.1. Буюртмачи мазкур Танлаш ҳужжатларининг III-бўлимида келтирилган шаклга мувофиқ танлаш иштирокчиси билан 5 (беш) кун мобайнида шартнома имзолаши лозим.

12.2. Танлаш ғолиби танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочисига ўтади. Бунда захира ижрочиси танлаш ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

12.3. Миқдорий, сифат ва техник параметрлари бўйича шартномани бажармаган танлаш ғолиби қонун ҳужжатлари ва/ёки шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

13. Танлашни ўтказилмаган деб эълон қилиш

13.1. Танлаш қуйидаги ҳолатларда Комиссия томонидан ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин:

танлашда битта ёки бирорта иштирокчи иштирок этмаган бўлса;

таклифларни кўриб чиқиш натижасига кўра Комиссия барча таклифларни рад этган бўлса;

фақатгина бифта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса танлаш ўтказилмаган деб топилади. Танлаш талабларига доир бирор ўзгартириш киритиш зарурати пайдо бўлганда Комиссия асосларни келтирган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

## II. TANLASH ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТЕХНИК ҚИСМИ

## I. Техник топширик

### Етказиб берувчига (иштрокчига) қўйилган талаблар.

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ учун махсус компьютер қурилмалари ва техникалар харид қилишдан мақсад–хизмат апаратида иш самарадорлигини ошириш учун зарур жихозлар билан таъминлаш.
2. Етказиб бериладиган махсулотлар оригинал бўлиши(етказиб берувчилар томонидан ҳар бир техника воситаларидан бир нусхадан намуналари эълон тугашидан бир кун олдин бўлган вақт оралиғида бир нусхадан хизмат апарати биносига олиб келиниши ва мутахассислар текшириувидан ўтказилиши шарт. Етказиб берувчилар бир бирлик махсулотларни намуна учун олиб келмаган тақдирда иштирокчилар сафидан чиқариб юборилади), аъло даражада бўлиши, махсус қадокларда бўлишини таъминлаш, шунингдек талабга жавоб берадиган ва нуқсонларсиз бўлиши керак.
3. Етказиб бериладиган махсулотлар Буюртмачи манзилига ва ҳудудий бошқармаларига етказиб бериши ва ўрнатилиш нархларини ҳам ўз ичига олади. Етказиб бериладиган махсулотларда наъмуна сифатида кўрсатилган махсулотларнинг айниси бўлиши шарт. Акс холда компьютер ва техника воситалари қабулга яроқсиз деб ҳисобланади.
4. Кафолат муддати етказиб берилган махсулотлар учун 1 йилдан 3 йилгача ҳисобланади. “Етказиб берувчи” кафолат муддати давомида очилган махсулотлар нуқсонлари аниқланган ҳолларда уни алмаштириб бериши лозим. “Етказиб берувчи” ҳар қандай шароитдан қатъи назар, ҳеч қандай нуқсонлар бўлмаслигига ва ҳеч қандай кечикишлар бўлмаслигини ўз зиммасига олади ва кафолатлайди. Нуқсонли махсулотлар аниқланган тақдирда етказиб берувчи томонидан махсулотлар янгисига 3 иш кунидан кечиктирмасдан алаштириб берилиши талаб этилади.
5. “Етказиб берувчи” Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кафолат муддати давомида нуқсонли махсулотларни алмаштириб беради.
6. Етказиб бериладиган махсулотлар кафолат муддати давомида алмаштириб бериш харажатлари киритилиши лозим. Нуқсонли махсулотларни алмаштириш жараёнида, харажатлар етказиб берувчи зиммасига юклатилади.
7. Етказиб бериладиган махсулотлар барча талаблар ва параметрларга мувофиқ бўлиши шарт.
8. Техник топширик шартларига мувофиқ бўлмаган, сифатсиз ва нуқсонли етказилган махсулотлар қабул қилинмайди. Махсулотнинг нуқсонлиларини алмаштириш ва уни қўшимча етказиб бериш билан боғлиқ барча транспорт ва бошқа харажатлар етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
9. Шартнома бўйича етказиб бериладиган махсулотлар буюртмачи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.



## Техническая характеристика

№	Наименование	Характеристика
1	Роутер	Роутер гигабитный двух диапазонный вай фай 6 цвет черный, антенны не менее 6 шт с технологиями Beamforming и 4T4r покрытия NT160 на диапазоне 5 ГГц до 4.8 Гбит/с, частота процессора 1500 МГц, трёх ядерный, двух диапазонный с 2,4 ГГц стандартами Wi-Fi 802.11b, Wi-Fi 802.11g, Wi-Fi 802.11n, Wi-Fi 802.11ax Wi-Fi 802.11a, Wi-Fi 802.11ac максимальная скорость 5378 Mbit/s. Безопасность WPA, WPA2, WPS, WPA3 межсетевой экран, количество портов WAN 1, вес 660грамм 272.5 x 49.2 x 147.2 мм, гарантия 48мес.
2	Бумага уничтожитель	Ёмкость корзины не менее 13л, с автостопом при изъятной корзине перекрёстная способ резки, скорость уничтожение 3700, не менее 7 листов одновременно, механическое управление, с уничтожением скоб и пластиковых карт, персональный применение, съёмный режущим блоком, уровень шума 70 дБ
3	Жесткий диск	Жесткий диск 8ТБ HDD, для компьютера с операционной системой MAC OS и Windows скорость вращения 7200 об/мин, SATA 6.0Gb/s, с формат фактором 3.5", с гарантией до 12 месяцев
4	Телефон с IP поддержкой	IP телефон с SIP-аккаунтом Удержание, отключение микрофона, DND с функцией не беспокоит Быстрый набор Переадресация, режим ожидания, трансфер Групповое прослушивание, SIP SMS, экстренные вызовы 3-сторонняя конференция Выбор мелодии/загрузка/удаление Настройка времени: автоматически или вручную Правила набора XML-браузер, Action URL/URI Встроенные скриншоты RTSP-XR, VQ-RTSPXR
5	сейф	<p>Тип замка: электронный ключевой Тип защиты <u>взлом стойкий</u> Назначение <u>для ценностей и документов</u> Цвет <u>коричневый с эффектом молотковой эмали</u></p> <p>Объем, м<sup>3</sup> 0,05 Высота, мм 489 Ширина, мм 342 Глубина, мм 381 Материал <u>сталь</u> Класс взлома стойкости двери (ГОСТ-Р) <u>S1</u></p> <p>Класс взлом стойкости двери (РСБ-С/ЕСВ-С) нет Внутренние габариты, мм 464x330x317</p> <p>Способ установки <u>напольный</u></p>
<b>Жами</b>		

ИИВ ЖХД ЙХХХ старшинаси



Т.Н.Намуратов

### **III. ТАҢЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ НАРХГА ОИД ҚИСМИ**

№ \_\_\_\_\_-лот

Сана

## ТАНЛАШ ТАКЛИФИ

КИМГА: Танлаш комиссиясига  
Жаноблар !

Савдо учун олиниши (хизмат кўрсатиш) ушбу билан тасдиқланувчи жужжатларни Урганиб чиқиб, биз куйида имзо чекувчилар, ушбу Танлаш таклифининг бир қисми ҳисобланувчи ва таклиф этилаётган нарх-наво жадвали билан тасдиқланувчи

\_\_\_\_\_ суммада ги

(Танлаш таклифининг умумий суммаси ёзма ва рақамларда)

кўрсатилган жужжатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг Танлаш таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун Буюртмада келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) график асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сум зақалат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу қаби Шартнома шартларининг бажарилишига қафолат сифатида Танлаш Буюртмачиси ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида Урнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 30 (Уттиз) банк куни давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (хақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат Утгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Расмий Шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлаш таклифи, унинг қабул қилинишидаги Сизнинг ёзма тасдиқингиз ва Шартномага эга бўлганлигингиз хақидаги Сизнинг билдириш хатингиз билан биргаликда бизнинг Уртамиздаги хақиқий (мажбурий) Шартнома ролини бажаради.

Биз албатта инобатга оламизки (тушунамизки), Сиз ута кичик ҳисоб қийматига эга бўлган танлаш таклифини ёки умуман Сиз олган таклифлардан «айси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз.

Биз ҳар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнида танлаш савдоси шартларининг ижро этилиши хақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориш мажбуриятини оламиз.

20 й. \_\_\_\_\_ ойнинг \_\_\_\_\_ санаси билан белгиланди.

\_\_\_\_\_ [имзо]

\_\_\_\_\_ [лавозими]

\_\_\_\_\_ (савдо иштирокчисининг номланиши)

Иштирокчининг номидан ва топшириги бўйича Танлаш таклифини имзолаш ваколатига эгалик қилувчи

	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги			
1	Роутер	шт	2	2 000 000	4 000 000
2	Бумага уничтожитель	шт	1	3 000 000	3 000 000
3	Жесткий диск	шт	6	4 500 000	27 000 000
4	Телефон с IP поддержкой	шт	2	2 000 000	4 000 000
5	Сейф	шт	1	5 500 000	5 500 000

Иштирокчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нархлари бўйича тижорат таклифи фирминий бланкада мухрланган қўл қойилган бўлиши шарт.

**Етказиб берилаётган маҳсулот умумий қиймати жами: Уч юз эллик етти миллион беш юз минг сўмни ташкил этади.**

**Изоҳ:** маҳсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари Уртасида фаркланиш аниқланилса, бундай холда бир дона маҳсулотнинг нархига каралади. Ушбу таклифда иштирокчининг тўлиқ номланиши кўрсатилиши керак ва номидан тегишли ваколат билан имзоланиши шарт. Тижорат таклифга имзо қийилган санани кўрсатиш

## Махсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

	Махсулот номи	Параметрлари	Техник топшириқ талабларига тўғри келганлиги	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	Роутер			(...)	(...)
2	Бумага уничтожитель			(...)	(...)
3	Жесткий диск			(...)	(...)
4	Телефон с IP поддержкой			(...)	(...)
5	Сейф			(...)	(...)

Ушбу таклифда иштирокчининг тўлиқ номланиши кўрсатилиши керак ва номидан тегишли ваколат билан имзоланиши шарт, имзо, санани кўрсатинг

**IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ.**

Тошкент шаҳри

2022 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » МЧЖ кейинги ўринларда “ИЖРОЧИ” деб аталувчи директори \_\_\_\_\_, номидан \_\_\_\_\_ асосида иш юритувчи бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланади О.Ч. Саидов номидан, устав асосида, иш юритувчи иккинчи томондан, биргаликда томонлар деб юритилувчилар қуйдагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ томонидан кўрсатилган техник топшириқларга асосан сифатли хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни кўриб чиқиб қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.1.1. Бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;

2.1.2. Лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:

2.1.3. Камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

2.1.4. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

2.2.2. Ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

### 2.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

2.3.1. Буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

2.3.2. Буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

### 2.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.4.1. Ушбу шартномага мувофиқ Буюртмачи белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

2.4.2. Ижрожи тақдим этилган техник топшириқларга биноан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ га картриджларни 3 иш куни мобайнида етказиб бериш мажбуриятини ўз бўйнига олади.

2.4.3. Ижрочи ўз зимасидаги вазифаларни 2.4.2 бандда кўрсатилган муддатда бажара олмаса, муддатдан ўтган хар 1 кун учун шартноманинг умумий миқдоридан 0.04% тўловни Буюртмачининг ҳисобига қайтаради.

## 3. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу \_\_\_\_\_ шартноманинг \_\_\_\_\_ баҳоси \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм, ҚҚС билан (с НДС).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 % миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Ижрочининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади. Хизмат кўрсатаётган планшет қурилмаларини тулов ҳисоб-китоблари счет-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сунг Буюртмачи қолган 70% тўловни уч иш куни ичида амалга оширади.

#### **4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ**

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.3. Буюртмачи томондан белгиланган 2.4.3. банддаги мудатни ИЖРОЧИ томондан бажара олмаган ҳолда кўрсатилган хизматни Буюртмачи қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Мазкур шартномани бажариш юзасидан келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар тарафлар ўзаро муроасага кела олмасалар, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда “Ижрочи” жойлашган жойдаги судга мурожаат этиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Мазкур шартномада қайд этилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида ҳал этилади.

#### **6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

6.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

6.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилиётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Ижрочичи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Ижрочининг бажарилган барча



мажбуриятларини тўлик тўлайди.

## 7. КОРРУПЦИЯГА КАРШИ КУРАШ

7.1. Ушбу Шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тулашни амалга оширмайди.

7.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро жужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга «арши курашишга оид халқаро жужжатлар талабларини бузилиши қаби ҳаракатларни амалга оширмайди.

7.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совралар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

– бошқа контрагентлар билан такқослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш; – ҳар қандай қафолатлар билан таъминлаш; – амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш; – ходим томонидан уз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар Уртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга «арши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сунг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш кун ичида юборилиши керак.

7.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга «арши кураш бўйича халқаро жужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

7.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартибтаомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари ҳавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига узро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироқи ҳавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартибтаомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар .

7.7. Томонлар Узларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга «арши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

7.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарии чораларни қуллашни қафолатлайдилар.

7.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга «арши курашиш шартларини бажариш бўйича тулик махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тутрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар

келтирмаслигини кафолатлайдилар .

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома икки тарафлама имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

8.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

8.3. Мазкур шартноманинг 4.2.-бандида қайд этилган талаблар “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, мазкур шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

8.4. Шартнома ҳар икки томон учун бир хил қонуний кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## 9. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Томонларнинг имзолари ва муҳри билан қўшимча қилишув тузилади.

9.2. Агар томонларнинг реқвизитлари ўзгарган ҳолларда 3 иш куни ичида хабардор қилиб хат орқали муурожаот қилиши шарт.

9.3. Шартноманинг 8.2. бандига қўра қўшимча қилишув 2 нусхада тузилиб шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг қелишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажармаган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

ИЖРОЧИ:	БЮРТМАЧИ:
<p>Директор: _____</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖХД ЙХХХ</p> <p>Директор: _____</p>

2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли  
шартномага 1-сонли илова

Товарларнинг нарх жадвали

	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги			
1					

Етказиб берилаётган товарларнинг умумий қиймати жами: \_\_\_\_\_ сўм  
( \_\_\_\_\_ ) сум. (с НДС)

**ИЖРОЧИ**

\_\_\_\_\_

**БЮРТМАЧИ**

\_\_\_\_\_

## **Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга рўзилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Ҳукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

**ИЖРОЧИ**

**БЮРТМАЧИ**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**V. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИГА ИЛОВАЛАР.**

(Иштирокчининг фирминий бланкасида)

**Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар**

[Танлаш иштирокчиси қуйида келтирилган йўриқномаларга мувофиқ ушбу шаклни тўлдириши лозим. Таклиф қилинган форматда ҳеч қанадай ўзгартириш ва алмаштирувга йўл қўйилмайди.]

Сана: [танлаш таклифи берилган сана (йил, кун, ой) ёзилсин

№ \_\_\_\_\_

1.	Танлаш иштирокчиси номи [Иштирокчининг расмий номи ёзилсин]
2.	Рўйхатга олинган жойдаги Танлаш иштирокчиси манзили: [Ро ʻйхатга олинган жойда Танлаш иштирокчисининг юридик манзили ёзилсин]
3.	Танлаш иштирокчиси рўйхатга олинган гувоҳнома маълумотлари: [рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган сана, қайд рақами]
4.	Танлаш иштирокчисининг ваколатли вакили тўғрисидаги маълумотлар Исми: [ваколатли вакилнинг исми ёзилсин] Манзили: [ваколатли вакилнинг манзили ёзилсин] Телефон/факс: [ваколатли вакилнинг телефон/факс рақами ёзилсин] Электрон почта манзили: [ваколатли вакилнинг электрон почта манзили ёзилсин]
5.	Банк реквизитлари:
6.	Фаолиятнинг асосий йўналишлари: [асосий фаолият йўналиши кўрсатилсин]
7.	Ҳужжатлар асл нусхаларининг илова қилинаётган нусхалари: [илова қилинаётган нусхаларнинг номи] юқорида қайд қилинган иштирокчининг рўйхатга олиш гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлар.

(Иштирокчининг фирма бланкасида)

Танлаш харид комиссияси раисига

### КАФОЛАТ ХАТИ

Танлаш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ушбу кафолат хати билан биз

\_\_\_\_\_ (танлаш иштирокчисининг тўлиқ номи) қуйидагиларни:

- \* Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигимизни;
- \* Давлат буюртмачиси (Давлат буюртмачиси тўлиқ номи) билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида эмаслигимизни;
- \* Давлат буюртмачиси (Давлат буюртмачиси тўлиқ номи) билан илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг мавжуд эмаслигини;
- \* Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реэстрида мавжуд эмаслигимизни тасдиқлаймиз.

Ф.И.О. (корхона раҳбари ёки ишончномага мувофиқ вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилсин).

\_\_\_\_\_ (таклифини имзолаган масъул шахснинг лавозими кўрсатилсин).

\_\_\_\_\_ (фамилияси юқорида қайд қилинган масъул шахснинг имзоси).

м.ў

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли ишончнома бўйича \_\_\_\_\_ (Иштирокчининг тўлиқ исми кўрсатилсин) номидан ва топшириғи бўйича танлаш таклифини имзолашга барча ваколатларга эга бўлган шахс (ишончнома асосида имзоланган тақдирда кўрсатилади).

(Иштирокчининг фирма бланкасида)

№ \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ сана

\_\_\_\_\_ сонли лот бўйича **техник таклифи** жадвали

№	Товар номи	Техник тавсиф
1	...	[Таклиф етилаётган товар тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилиши лозим]

Кафолат муддати \_\_\_\_\_

Етказиб бериш муддати \_\_\_\_\_

[Сервис кўрсатиш бўйича маълумотлар илова қилиниши лозим]

Бошқа техник маълумотлар \_\_\_\_\_

Ф.И.О. [корхона раҳбари фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилсин].

« \_\_\_\_\_ » [таклифни имзолаган масул шахснинг лавозими кўрсатилсин].

« \_\_\_\_\_ » [фамилияси юқорида қайд қилинган масул шахснинг имзоси].

м.ў



## Танлаш иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш тартиби ва мезонлари

Танлаш иштирокчиларининг малакасини баҳолаш Харид комиссияси томонидан амалга оширилади. Таклифнинг малакавий қисми учун умумий бериладиган балл 40 баллни ташкил этади.

Иштирокчи томонидан талаб этилган маълумотлар тақдим қилинмаган бўлса, Комиссия уни танлашда иштирок этишга йўл қўймаслик ҳуқуқига эга.

### 1. Дастлабки малакавий баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Изоҳ	Баҳолаш
1	Танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва тажрибаси ҳақида маълумотнома	Ҳа / Йўқ (иштирокчининг маълумотномаси асосида баҳоланади)	Тажрибага эга — 10 балл Тажрибаси 6 ойдан кам - 5 балл Тажрибага эга эмас (маълумот тақдим этилмаган) — 0 балл
2	Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида қафолат хати	Ҳа / Йўқ (иштирокчининг қафолат хати асосида баҳоланади)	Ҳа- 10 балл Йўқ (маълумот тақдим этилмаган) — 0 балл
3	Танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома	Ҳа / Йўқ (иштирокчининг маълумотномаси асосида баҳоланади)	Ҳа- 10 балл Йўқ (маълумот тақдим этилмаган) — 0 балл
4	Иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	Мавжуд / Мавжуд эмас	Ҳа — 10 балл Йўқ (маълумот тақдим этилмаган) — 0 балл

### 2. Таклифнинг техник қисмини баҳолаш

Таклифларнинг техник қисмини баҳолаш Танлаш ҳужжатларига асосан Комиссия томонидан (зарур ҳолларда мутахассис жалб қилган ҳолда) амалга оширилади. Таклифнинг техник қисмида иштирокчи томонидан тақдим этилган намуна баҳоланади. Техник таклиф учун бериладиган умумий балл 40 баллни ташкил этади. Техник баҳолашдан ўтмаган (баллар натижаларига кўра 24 балл ва ундан кам балл тўплаган) Танлаш иштирокчиларининг таклифлари кейинги кўриб чиқишдан рад этилади.

### Техник баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Изоҳ
1.	Техник топшириқ талабларига мувофиқ тақдим этилган хизмат намунаси сифатига кўра, ҳамда хизмат кўрсатиш муддатига кўра энг юқори балл билан баҳоланади.	Максимал бериладиган балл - 40 балл Техник таклифда (хизмат кўрсатиш) тақдим этилмаса - 0 балл

### 3. Таклифнинг нарх қисмини баҳолаш

Харид комиссияси томонидан таклифларнинг нарх қисми иштирокчиларнинг электрон тижорат таклифлари асосида тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади. Таклифнинг нарх қисми учун максимал бериладиган балл 20 балл (индикаторнинг минимал кўрсаткичга берилади)

### 4. Таклифларни комплекс баҳолаш

Таклифларни комплекс баҳолаш харид комиссияси томонидан олинган қуйидаги маълумотлар натижаларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

- 1). Техник-малакавий қисмини баҳолаш.
- 2). Нархни қисмини баҳолаш.

№	Мезон		Барча топфалар бўйича умумий баҳолаш 100 балл
1.	<b>Техник-малакавий қисмини баҳолаш</b>		<b>80 балл</b>
	1.1	Малакавий қисм	40 балл
	1.2	Техник қисм	40 балл
2.	<b>Нархни баҳолаш</b>		<b>20 балл</b>
	2.1	Нарх қисми	20 балл